

ЦЕРЕБРАЛ ГОЛД 50+
ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
ОЗУҚАГА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧА

1 капсула таркибида:

фаол моддалар:

Фосфатидилсерин (ўсимлик фосфолипидлари)	200 мг
Магний оксиди	100 мг
Коэнзим Q10	10 мг
Ресвератрол	5 мг
B2 витамини	1,4 мг
B6 витамини	1,4 мг
B12 витамини	0,0025 мг

ёрдамчи моддалар:

Желатин, магний стеарати, повидон, кремний диоксиди, тальк.

Фаол ингредиентларнинг хусусиятлари

Фосфатидилсерин хужайралари мембраналари фосфолипидларининг компоненти ҳисобланади, у бош миyanинг нерв хужайралари қобиғи таркибида кўп миқдорда сақланади. Фосфатидилсерин шикастланган нерв хужайраларининг ўз вақтида тикланиши учун зарур, миyanинг когнитив фаолиятига ёрдам беради.

Магний - бу нерв импульсларини юбориш ва мушакларнинг қисқариши учун асосий минерал; қон йиғилишини тартибга солишда иштирок этади, организмга чарчоқлилик, кучланиш ва безовталиikka қарши курашишда ёрдам беради.

Ресвератролодин энг фаол полифеноллардан, қизил узум, тут дарахти, хўжағат, қорағат, брусникада сақланади. Фаол антиоксидант сифатида одам организмда, жумладан миyanинг хужайраларида, емириш хусусиятига эга бўлган кўпгина жараёнларни чақирувчи эркин радикалларнинг олиб ташланишига ёрдам беради.

Q10 коэнзими мол гўштида, балиқда, шпинатда сақланади. Организмга витаминлар каби таъсир кўрсатади, хужайраларни энергия билан таъминланишини яхшилайти, миyanинг ишини қўллаб туради.

B2, B6, B12 витаминлар оксиллар, ёғлар ва углеводларнинг алмашинувида катта роль ўйнайти, организмнинг тўлақонли меъёрда ишлаши учун зарур, нерв хужайраларининг ҳосил бўлишида ва ишлашини қўллаб туришда иштирок этадилар, нерв тизимининг ишига ижобий таъсир қиладилар.

Қўллаш соҳаси

Церебрал голд 50+ капсулалар биологик фаол қўшимча таркиби миyanинг жадал озиқланишига ва унинг физиологик хусусиятларини қўллаб туришга йўналтирилган фаол компонентларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб танланган.

Ёш катталашган сари, организмда юқоридаги таркибий қисмларнинг ишлаб чиқарилиши камаяди, шунинг учун асаб хужайраларнинг қариш жараёнини секинлаштириш учун уларни овқатга биологик фаол қўшимчани сифатида киритиш тавсия этилади.

Церебрал голд 50+ капсулалар хотиранинг яхшиланишига ёрдам беради, кайфиятнинг ўзгаришлари ва ҳаддан зиёд серзардаликдан сақлаб туради.

Церебрал голд 50+ капсулалар компонентлари диққатни жамлаш ва ҳаракатларнинг координациясини яхшилашга ёрдам беради, фикрлашни тезлаштиради, стрессларга турғунликни оширади, юқори юкланмаларда мослашишни енгиллаштиради.

Церебрал голд 50+ капсулалар организмнинг умумий тонусини оширади, нерв тизимининг меъёрдаги ишини қўллаб туради, руҳий фаолиятнинг меъёрлашишига ёрдам беради, кексайиш жараёнларини секинлаштиради, жисмоний ва ақлий иш қобилиятини яхшилади.

Қўллаш усули

Нонуштадан олдин кунига 1 капсуладан бир стакан сув билан қабул қилинади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- БФҚ компонентларини шахсий кўтараолмаслиги.
- 14 ёшгача болаларга тавсия қилинмайди.
- Ҳомиладорлик ва лактация даврида тавсия қилинмайди.

Чиқарилиш шакли ва қадок

30 капсуладан пластик идишда картон қадокда давлат ва рус тилларидаги қўллаш бўйича йўриқнома билан бирга жойланади.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда курук, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

Яроқлилиқ муддати

36 ой.

Қадокда кўрсатилган яроқлилиқ муддати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

Бериш тартиби: рецептсиз.

Сертификат эгаси:

BELINDA LABORATORIES LLP., Лондон, Буюк Британия.

Ишлаб чиқарувчи:

Lecifarma-Laboratorio Farmaceutico Lda.

Varzea Andrade 2670-741 Lousa, Loures, Португалия

Истеъмолчилардан шикоятларни қабул қилишга ваколатланган ташкилот:

«Ameliya Pharm Service» МЧЖ

Ойбек кўч., 36, «East Line» БМ, 100015, Тошкент ш., Ўзбекистон.

тел: +998 781505081, +998 781505082, e-mail: uzdrugsafety@evolet.co.uk